Ушбу сонда:
2 ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ — МЕҲНАТКАШЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАЯНЧИ
3 4 Сарчашма КОМИЛ ИНСОНЛАР ЙЎЛИНИ ТУТАЙЛИК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 30 январ, чоршанба №19 (1236)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЮКЛАР МАНЗИЛИГА ЕТМОҚДА

Шу кунга қадар Термиз дарё порти, Термиз-Хайратон кўприги орқали Афғонистонга 29 минг тоннадан ортиқроқ инсонпарварлик юклари ўтказилди. Бу рақам инсонпарварлик юкларини ўтказилишини мувофиқлаштирувчи Сурхондарё вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказган матбуот анжуманида келтирилди.

БМТ, Халқаро болалар ташкилоти, Жаҳон озиқ-овқат дастури, Халқаро Қизил хоч жамияти томонидан юборилаётган кундалик истеъмол моллари ва буюмлар узоқ йиллик урушдан жабр кўрган афғон халқига катта мадад бўлмоқда. Шу боис жаҳон ҳамжамиятининг инсонпарварлик ёрдами Термизга келтирилгач, ҳеч кечиктирилмасдан белгиланган манзил - Амударёнинг нариги соҳилига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Ўзбекистонда умумхалқ референдуми ўтказилган куни ҳам темир йўл орқали Афғонистонга 331 тонна юк ўтказилди.

(ЎзА).

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ




**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 январ куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосиё мамлакатлари бўйича ўринбосари Элизабет Жоунс раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.**

- Ўзбекистонга АҚШдан бундай мўътабар делегациянинг келиши, бу қадар кенг қамровли музокаралар ўтказилишидан биз мамнунмиз, -деди Ислом Каримов меҳмонларни қаршилар экан. - Буни АҚШда Ўзбекистон билан муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш интилиш кучайганининг тасдиғи ҳамда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорлик янада мустаҳкамланишидан мамлакатингиз манфаатдорлигининг ифодаси, деб биламиз.

Э.Жоунс раҳбарлигидаги делегация таркибида, ҳақиқатан ҳам, турли соҳа вакиллари бор. Меҳмонлар мамлакатимизга ташрифи чоғида кўплаб вазирлик ва идораларда бўлиб, музокара ва маслаҳатлашувлар ўтказди. Буларнинг барчаси Оқ уйнинг Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга интилиши кучли эканлигидан далолат.

Учрашувда меҳмонлар АҚШнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги узоқ муддатга мўлжалланганлигини яна бир карра таъкидлади.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада равнақ топтиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

## УНИВЕРСИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бухоро вилоят Матбуот уйида вилоят раҳбарлари оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашдилар. Учрашувда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2001 йилги якунлари ҳамда 2002 йилдаги энг долзарб масалалар юзасидан ахборот берилди. Журналистлар, шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, фермерларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, коммунал соҳалардаги ислоҳотлар юзасидан саволларига жавоб олишди.

Маълумки, шу йил май ойида Бухорода «Универсиада-2002» мусобақалари ўтказилади. Вилоят ҳокими таъкидлашича, талабаларнинг Бухоро олимпиадаси халқаро кўлам касб этади. Универсиадага узоқ ва яқин хориждан ҳам талабалар делегациялари таклиф этилади. Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Эрон каби давлатлар талабалари мусобақаларимизда қатнашиш истагини билдирган.

Журналистларга Универсиадага тайёргарлик юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

(ЎзА).

## ИШЧИ КАЙФИЯТИ

«Нозик-нон» масъулияти чекланган жамият корхонаси пойтахтимизнинг Ибн Сино мавзесида яшовчи 60 мингдан зиёд аҳоли дастурхонига нон ва қандолат маҳсулотларини етказиб бераётир.

Тотли маҳсулотлар шартнома асосида 15 га яқин дўкон орқали аҳолига сотиляпти. Корхонада 60 нафардан ортиқ ходим уч сменада фаолият юритади.

Уларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, йил давомида ҳар бир ишчига 30 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилади. Ходимлар тўй-ҳашамларида ҳам маъмурият томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бундан ташқари ишчи-хизматчиларнинг яхши дам олишлари ва саломатликларини тиклашлари учун ҳар йили санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилаётир.

О.ЭРГАШЕВ.

*Ижтимоий ҳимоя*

## ҚАРИЯЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

***Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат Дастури тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Муҳбиримиз Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлими мудири вазифасини бажарувчи О.Лебедева билан суҳбатида туманда қарияларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида ўз аксини топган.***

— ***Ольга Александровна! Қайд этилган тарихий ҳужжатларнинг мамлакатимиз, хусусан, туман меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги аҳамияти хусусида тўхталсангиз.***

— Энг аввало бир нарса ҳақида айтиб ўтмоқчи эдим. Куни кеча бизнинг ижтимоий таъминот бўлимимизга 19-мавзеда истиқомат қилувчи онахон Хайриниса Каримова кириб келди. «Мен кўп йиллар турли лавозимларда ишлаб, дунёнинг анчагина мамлакатларида бўлдим, лекин бизнинг давлатимиз, юртимиз раҳбарлари қарияларга кўрсатаётган эътиборни ҳеч қаерда учратмадим», деди у тўлқинланиб. Бу сўзларда, томчида қуёш акс этгани каби, мустақил юртимиз отахону онахонларининг дил сўзлари ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда).

## МУКОФОТ ОЛҒА УНДАДИ

Наманган шаҳридаги олти мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Даштбоғ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рихсихон Абдуғаффорова ўтган йил Президентимиз фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

- Бу юксак мукофотдан бошим осмонга етди, - деди Рихсихон Абдуғаффорова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Мукофот янада фаол бўлишга ундади.

Дарвоқе, маҳаллада аҳолини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилаётир. Бугун маҳалла қошида "Келажак ХХI", "Ахатхон хожи" кичик корхоналари ишлаб турибди. 60 нафар фуқаро шу ерда иш билан таъминланган. Мазкур корхоналарда харидоргир иссиқ кийимлар ва чинни идишлар ишлаб чиқарилаяпти. Яқинда эса "Моҳларойим" аёллар маркази очилди. Мазкур марказ олти хил йўналишда фаолият олиб боряпти. Хамширалик, зардўзлик, бичиш-тикиш, аёллар косметологи, менежер, тадбиркор аёллар тайёрлов курслари ана шулар жумласидандир.

Даштбоғ азалдан моҳир дурадгорлар, новвойлар, тўқувчилар маскани бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам бу ерда "Уста-шогирдлик" анъаналари изчил давом эттириб келинмоқда. Айниқса вояга етмаган ёшларнинг фойдали меҳнатга жалб этилаётгани яхши самара бераяпти. Маҳаллада вояга етмаганларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратилган. Мунтазам равишда "Огоҳлик давр талаби", "Ақидапарастлик-иллат" мавзуларида йиғилишлар ўтказиляпти. Маҳалла посбони Орифжон Орифхўжаев бошчилигида 12 та жамоатчилик масканлари фаолият кўрсатмоқда.

## МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳузурида муассаса ва ташкилотлар масъул ходимлари, маънавий-маърифий ишлар мутахассислари учун ташкил этилган малака ошириш курсларини навбатдаги тингловчилар битириб чиқди. Уларга «Маънавият тарғиботчиси» гувоҳномаси топширилди.

- Ўқув курслари 1999 йили мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида ташкил этилганди, - дейди ЎзА мухбири билан суҳбатда Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази раҳбари Ш.Жумаев. - Тингловчилар миллий давлатчилигимиз тарихи, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти каби долзарб фанлар билан бир қаторда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини пухта ўрганмоқда. Зеро, уларнинг фаолияти, аввало, миллий истиқлол ғояларини аҳолига, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, уларнинг маънавий дунёсини янада бойитишга қаратилган.

(ЎзА).

# ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ

## ҳукуматимизнинг доимий мададини чуқур ҳис этиб яшамоқда

Истиқлол йилларида фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, уларни мунтазам равишда соғломлаштириб бориш эътибор беқиёс кучайди. Айниқса, кейинги йилларда Оролбўйи аҳолисининг ижтимоий муҳофазаси масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, кўплаб амалий ишлар бажарилди. «Оналар ва болалар йили»да Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг республикамиздаги энг яхши санаторий ва санаторий-профилакторийларида Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг, Хоразм вилоятидан 1,5 минг нафар аёлни профилактик даволаш борасидаги таклифи маъқулланганди.

### САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

Мазкур Қарор ижроси сифатида Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек, Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг энг яхши сиҳатгоҳларида 4500 нафар оролбўйилик аёллар дам олиб, даволандилар. Бу мақсадлар учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 210 миллион сўм ажратилди. Биргина Тошкент шаҳри ва вилоятидаги «Турон», «Чинобод», «Умид гулшани», «Оқтош», «Ботаника», «Бўстон» санаторийларида 1289 нафар Оролбўйи аёллари даволаниб, саломатликларини тиклаганликлари қувончли ҳолдир.

Улар нафақат санаторийларда, балки санаторий-профилакторийларда ҳам турли касалликлардан фориғ бўлиб, аъло кайфият билан ўз оилалари қучоғига қайтдилар. Хусусан, Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлашган «Назарбек», «Навбаҳор», «Семург», «Саломатлик», «АГМК» каби санаторий-профилакторийларда 931 нафар хоразмлик ва қорақалпоғистонлик аёллар дам олдилар.

Рақамларни давом эттирсак, Бухоро вилоятидаги «Ситораи Моҳи Хоса» сиҳатгоҳида 270 нафар, «Жўй зар», «Бухоронефтегаз» санаторий-профилакторийларида 150 нафар аёл ҳордиқ чиқариб, даволанган бўлсалар, кўҳна Самарқанд вилоятидаги Абу Али ибн Сино санаторийсида 370, Наманган вилоятидаги «Чортоқ», «Косонсой», «Нихол» сиҳатгоҳларида 410 нафар аёл ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Булардан ташқари Андижон вилоятидаги «Марҳамат» санаторийси, «Нефтчи» санаторий-профилакторийси, Фарғона вилоятидаги «Чимён», Қашқадарёдаги «Мироқи», «Қашқадарё соҳили» каби дам олиш ва даволаш муассасаларида ҳам уларга ўз қучоғини очди.

Барча сиҳатгоҳларда аёлларни даволаш-профилактика ишлари билан бирга маданий ва маънавий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида қизиқарли тадбирлар ташкил этилди. Хусусан, саёҳат ва экскурсияларга чиқдилар, шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, сўз усталари билан бўлган кеча ва суҳбатларда иштирок этдилар.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Хоразм ва қорақалпоғистонлик аёллар асосий касалликлари бўйича даволаниш билан бирга тўлиқ умумий тиббий кўрикдан ўтдилар. Зарур ҳолларда тор мутахассисликлар бўйича ҳам махсус шифокорлар, профессорлар чақиртирилиб, қўшимча дори-дармонлар ажратилди.

Оролбўйи болалари ҳам меҳр оғушида. Ўтган ёзги мавсум давомида кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 20335 нафар фарзанди, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасидан режадаги 15 минг бола ўрнига 15260 нафар, Хоразм вилоятидан 5 минг бола ўрнига 5075 нафар ўғил-қиз республикамизнинг энг сўлим ва хушманзара болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиб даволандилар.

**Журъат СУЛТОНОВ,**
**ЎзКУФКнинг ижтимоий суғурта бўлими мудири.**

### УЛКАН БУНЁДКОРЛИК МАЙДОНИ

Бунёдкорлик ва яратувчилик билан ўтган ўн йил ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари Конституцияларида кафолатланган ҳақ-ҳуқуқларини, қардошлик муносабатларини янада мустаҳкамлади.

Истиқлол шарофати ила Оролбўйи улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Нукус шаҳрида ишга туширилган «Катекс» комбинати, Элликқалъа туманидаги «Элтекс» тўқимачилик мажмуи Германия, Италия, Швейцария мамлакатларида тайёрланган дастгоҳ ва технология билан жиҳозланган бўлиб, маҳсулотлари жаҳон бозорида рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

Хўжайли шиша идишлар, Қўнғирот сода заводлари, Навоий-Учқудуқ-Султонуиздоғ-Нукус темир йўли, Туямўйин-Нукус-Чимбой-Тахтакўпир сув йўли мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини кўрсатувчи йирик мажмуалардан ҳисобланади.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Ҳаракат дастури ва учинчи қурултойда белгиланган вазифалар асосида ижтимоий шерикчилигини амалга ошириш, меҳнат аҳлининг фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Республика Вазирлар Маҳкамаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва Кенгаш билан ҳамкорликда тузилган жамоа келишувининг бажарилиши якунлари қўшма мажлисда кўриб чиқилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Қўмиталар билан вазирликлар, бошқарма ва бирлашмалар ўртасида 30 та битим, корхона, муассаса ва ташкилотларда 1215 та жамоа шартномаси тузилди.

Республикадаги таълим ва фан ходимлари, автотранспорт ва йўл хўжалиги, маданият, енгил, мебел саноати ва коммунал хўжалиги корхоналари ходимлари касаба уюшма фаолларини, ташкилот ва муассасалар раҳбарларини иштирокида уюштирилган семинарлар ўз самарасини берди.

Жамоа шартномаларига аёлларга муддатидан илгари пенсияга чиқиш, 2 ёшдан 3 ёшгача боласини парваришлаётганларга моддий ёрдам кўрсатиш, туғишгача ва туғишдан кейин қўшимча таътиллар бериш, кўп болали оилаларнинг иш вақтини қисқартириш каби енгиллик ва имтиёзлар киритилди. 2132 корхонада меҳнат қилаётган 34623 нафар хотин-қизга қўшимча таътил, 637 нафарини муддатидан илгари нафақага чиқариш каби енгилликлар татбиқ қилинди. 2 ёшдан 3 ёшгача боласи бор 1155 нафар онага моддий ёрдам кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 июнда қабул қилган 249-сонли Қароридан сўнг ижтимоий муҳофаза асосий вазифага айланди. Қарор асосида кам таъминланган оилаларга корхона ва хўжаликлар томонидан 19 миллион 404 минг, касаба уюшмалари ҳисобидан 2 миллион сўмлик моддий кўмак берилди.

16 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд оилалар, пенсионерларга 3 ойгача қўшимча устама пуллар тўлаш жорий этилди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё вилоятларидаги оромгоҳларда 3 минг нафар аёл, 15260 нафар ўғил-қиз, 1200 дан ортиқ нафақахўр бепул дам олиб, саломатликларини тиклади.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, янги иш ўринлари яратиш, табиий газ ва ичимлик суви таъминоти муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Фуқаролар турмуш шароитларини яхшилаш учун 6,5 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланиши республика ҳукумати қорақалпоқ халқига кўрсатаётган мададининг ёрқин кўринишидир.

Ишловчилар учун соғлом ва хавф-хатарсиз меҳнат шароити яратиб беришни таъминлаш мақсадида 180 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда текширишлар ўтказилди. Кейинги пайтда Нукус полиграфия комбинати ва шаҳар электр алоқа корхонаси, Хўжайли туман марказий касалхонаси меҳнатни муҳофазалашда яхши натижаларга эришилди ва бу ташкилотларнинг касаба уюшмалари республика кўрик-танловида ғолибликни эгаллади.

Тегишли қонунларга мувофиқ техника назорати талабларига амал қилмаган 20 нафар раҳбар жаримага тортилди ва 104 та ускуна-механизм тўхтатиб қўйилди.

Касаба уюшмаларига қарашли 8 санаторий-профилакторий ва 38 та болалар оромгоҳининг моддий-техника қуввати мустаҳкамланди, даволаш ишлари яхшиланди.

Жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида турли мусобақалар ўтказилаяпти. Мавжуд 457 жисмоний тарбия жамоасида 23 мингга яқин касаба уюшма аъзоси шуғулланмоқда. 3 та спорт мактаби ва олий ўқув юрти, 23 та коллеж ёшларнинг жисмоний соғлом бўлиб камол топишларига хизмат қилмоқда.

Кейинги йиллардаги сув танқислигига қарамасдан кенг феъл, сахий, сабр-бардошли, меҳнаткаш қорақалпоқ халқининг руҳи тетик, кайфияти баланд. Айни пайтда «Қарияларни қадрлаш йили» бўйича тузилган дастурда кексаларни эъзозлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасини ёшларга ўргатиш, хайрли ва савоб ишлар кўламини янада кенгайтириш, моддий, маънавий ёрдам бериш тадбирлари ишлаб чиқилди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ – МЕҲНАТКАШЛАРНИ

## ҚАРИЯЛАР МЕҲР ОҒУШИДА

(Боши 1-бетда)

Келинг, бир нарсага аҳамиятни қаратайлик. Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат Дастури тўғрисида»ги Қарорида, жумладан, «Кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг пенсия таъминотини такомиллаштириш, тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш» назарда тутилган. Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида эса «Иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин» деб аниқ-равшан кўрсатиб қўйилган. Бир нарсани унутмаслик керак: Қарор ва Фармонда кўрсатиб ўтилган ана ўша тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш жуда катта бюджет маблағларини талаб этади. Давлатимиз мана шу нарсаларни ўз зиммасига олар экан, демак, қарияларнинг ҳурматини жойига қўйишдан улуғ иш йўқ.

**— Туманда пенсионерларга яратилаётган шарт-шароит хусусида билсак, деган эдик...**

— Бизда 42 мингдан ортиқ пенсионер бор. Улар уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп йиллик меҳнатдан сўнг кексалик гаштини сураётган ҳамюртларимиздир. 5775 нафар пенсионерлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлашни давом эттираётирлар.

Туманимиз пенсионерлари учун ой сайин 456 миллион 743 минг сўм миқдорида нафақа пуллари тўланади.

Ой сайин туман бўйича пенсионерларимиз сони 43-45 кишига ортиб бормоқда. Уларнинг ҳужжатларини иложи борича тез муддат ичида ва ортиқча югур-югурсиз расмийлаштириш чора-тадбирларини кўраётирмиз. Биргина мисол: ёши етган одам ўз ҳужжатларини пенсия белгилаш бўлимига топшириши биланоқ бўлим мутахассислари уни 10 кун ичида кўриб чиқадилар ва текширувдан ўтказиб, тўлов бўлимига топширадилар.

Кейинги пайтда барча бўлимларимизнинг замонавий техника билан тўла таъминланганлиги, хусусан, компьютерлаштирилганлиги ҳам ишларимизнинг сифатли ва тезкор усулда бажарилиши учун етарли даражада имкон яратаётир.

**— Пенсия ва нафақалар ўз вақтида етказиб берилаптими?**

— Рақамлар зерикарли нарса, лекин улар кўп нарсалар ҳақида билиб олиш имконини беради. Фақат ўтган 2001 йилнинг ўзидагина пенсионерларимизнинг 601 нафарига турли дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилди. Ногиронларнинг 30 нафари махсус аравачалар (иккитаси — ўсмирлар аравачаси) билан таъминланди. Қулоғи яхши эшитмайдиган қарияларимизнинг 51 нафарига махсус эшитиш аппаратлари сотиб олиб бердик. Бундан ташқари, ногиронларнинг 39 нафари қулай қўлтиқтаёққа эга бўлдилар.

Пенсия ва нафақа пулларининг эгаларига ўз вақтида етказиб берилиши хусусида эса кейинги йиллар давомида бирон-бир марта шикоят тушгани йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, шунингдек, Президентимизнинг Фармони пенсионерларимизни, умуман қарияларимизни қадрлашда, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишда яна бир муҳим босқич бўлишини туманимизнинг ҳар бир қарияси юрак-юракдан ҳис қилмоқда.

**Суҳбатдош:**
**Қ.СОБИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**
**М.ИСАЕВА,**
**етакчи мутахассис.**





«Ҳунарманд» уюшмасининг Марғилон шаҳридаги ҳудудий бўлими қошида миллий ҳунармандчилигимизнинг 30 га яқин турлари бўйича усталар фаолият кўрсатади. Ўтган йилнинг ўзида уюшмага 198 нафар ҳунарманд аъзо бўлди. Уюшма ҳунарманд усталарнинг ҳақ-ҳуқуқларини, ҳимоя қилиш ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасида кўплаб хайрли тадбирларни амалга оширмоқда.

Шунингдек, икки юздан зиёд усталарга моддий ёрдам кўрсатилиб, жойларда «уста-шогирд» мактаблари ташкил этилди. Келгусида уюшма томонидан, вилоятнинг барча туманларида бу каби мактабларни янада кўплаб ташкил этиш режалаштирилган.

**Суратларда: телпак тикиш устахонаси чевари Маҳбуба Каримова; уста зардўз Раъно Эшонова шогирдлари (чапдан) Дилрабо Дадабоева ва Шоирахон Абдураҳмонова билан.**

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЭНГ КЕРАГИ САЛОМАТЛИК

*Тиббий хизмат*

***Республикамиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлаш борасида Сурхондарёда ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Янгидан тиббиёт масканлари барпо этилиб, хизмат кўрсатиш сифат жиҳатдан анча яхшиланди.***

Бундан бир ярим йил муқаддам Термиз шаҳар марказий касалхонаси негизида 140 ўринли шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сурхондарё филиали ташкил этилганди. Шифохонани таъмирлаш ва қайта қуриш ишларига 270 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, у замон талабларига тўла жавоб берадиган ҳолга келтирилди.

Илмий марказга Термиз шаҳар ва туман «Тез ёрдам» станциялари, вилоят санитария авиацияси ташкилоти қўшиб берилди. Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан 20 та «Дамас» русумли «Тез ёрдам» автомашинаси сотиб олиниб, туманларга тарқатилди.

Филиалда айни пайтда энг замонавий тиббий асбоблар — Германияда ишлаб чиқарилган жарроҳлик лапороскоп ва бошқа бир қанча замонавий ускуналардан фойдаланилмоқда. Ҳомийлар ва жамғармалар ёрдамида 17 та LG кондиционери, 10 та музлатгич сотиб олиниб, реанимация, болалар жарроҳлиги ва терапия бўлимларига ўрнатилди.

Фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш учун 4 миллион сўмлик дори-дармон, керакли асбоб-ускуналар заҳираси ҳозирлаб қўйилди. Тезкор бригадаларга хабар қилиш, зарур ҳолларда керакли мутахассисларни жалб этиш учун пейджер алоқаси ва «Тез ёрдам» машиналари рация билан таъминланди.

— Лапороскопик усулдаги жарроҳлик муолажалари асосан бизда ўтказилади, — дейди илмий марказ бош директори Комил Абдувоҳидов. — Ҳозирга қадар шу усул билан 900 дан ортиқ таҳлиллар ўтказилди. Беморларга тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш асосий мақсадимиздир.

Ўтган даврда шифо масканига мурожаат қилган 11 минг нафардан ортиқ беморнинг 45 фоизига кундузги бўлимларда хизмат кўрсатилди.

Яқинда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти "Шошилинч ёрдам кўрсатиш илмий маркази"га 9 минг долларли дори-дармон ва тиббиёт воситаларини топширди. Инсонпарварлик ёрдами бўлган малҳамлар 20 минг нафар кишини даволаш учун бемалол етади.

Жамоада ходимларни ижтимоий ҳимоялашга касабақўм кун тартибидаги энг муҳим масала сифатида қарамоқда. Чунончи, маъмурият томонидан 165 минг, касаба уюшмаси томонидан 120 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Илмий марказда беморларнинг ўртача даволаниш муддати 5,2 кунни ташкил этади. Ҳар битта беморга кунда 1473 сўмлик дори-дармон сарфланмоқда.

Беморларга вақтида аниқ ташхис қўйилаётганлиги ва муолажалар аниқ ҳамда сифатли олиб борилаётганлиги, аҳоли ўртасида профилактика ишлари кучайтирилаётганлиги даволаш тадбирлари самарадорлигини оширмоқда.

**Ҳ.СОДИҚОВ,**
**Сурхондарё вилоят "Шошилинч тиббий ёрдам" илмий маркази касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## МАҲСУЛОТНИ СОТИШ

### бу борада деҳқон ва фермер хўжаликларига катта имконият яратилган

***Олтиариқ туманида ўтган йили 116 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатди. Уларнинг ҳаммасида дон ва пахта сотиш бўйича тузилган контрактация шартномалари ортиғи билан бажарилди.***

Туманда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишга кўмаклашиш яхши йўлга қўйилган. Мазкур маҳсулотларни сотиш, экспорт қилиш ва қайта ишлаш кооперативи етиштирилган 500 тоннага яқин ҳосилни сотишга ёрдам берди.

Деҳқон хўжаликлари етиштирган маҳсулотларни республикадан четга чиқариб сотишда зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш туман вакиллигининг ўзида амалга оширилади. Бундай қулайлик 23 минг тоннадан ортиқ ноз-неъматни четга сотиш имконини берди. Харидорлар топиш ва республика бозорларидаги нарх-наволар тўғрисида маълумотлар бериб бориш ҳам намунали йўлга қўйилган.

Фермер хўжаликлари туман ёқилғи базаси билан тузилган шартномага кўра нефт маҳсулотлари билан мунтазам таъминланмоқда. Тумандаги 33 та фермер ҳамда 11 та деҳқон хўжаликларига 46531 минг сўм миқдорида кредитлар берилди. Вилоят деҳқон ва фермерлар уюшмаси қошидаги кредит беришга кўмаклашиш кенгаши томонидан эса 5 та фермерга 600 минг сўм кредит ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги Қарорига асосан тумандаги мавжуд 31610 та шахсий томорқа эгалари деҳқон ва фермер хўжаликларига айлантирилди. Ҳозир 70 та юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. Улар томонидан 70 минг тоннадан ортиқ полиз, сабзавот, мева ва узум ички ва ташқи бозорларда сотилди. Ўз томорқа участкаларида ҳосил етиштирган деҳқонлардан Б.Абдуллаев, Н.Низомов, О.Маҳкамов ва Р.Мамажоновлар мумай даромад олдилар. Натижада, ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари кўтарилиб, манфаатдорлиги ошди.

Ўтган йили фермер хўжаликлари томонидан 70 тонна гўшт, 130 тонна сут сотилди. Вакиллик ходимлари иш ўринларини кўпайтириш ва иш ҳақини ошириш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Шу боисдан бўлса керак, ўтган йили етиштирилган маҳсулотлар ҳар йилдагидан ҳам мўл бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ кам таъминланган оилаларни оталиққа олиш ва моддий ёрдам кўрсатиш кўлами тобора кенгайиб бораётир. Пахта бўйича режани бажармаган фермер қолмади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, фермерлар бир яхшиликка юз яхшилик билан жавоб қайтаришмоқда.

**Ортиқ САИДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*«Бандлик» дастури амалда*

## ЁЛЛАНИБ ИШЛОВЧИЛАР УЧУН

«Бандлик» дастурини амалга оширишга шаҳримизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳукуматимизнинг 2001 йил 18 майдаги «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Масалан, марказ учун шаҳардаги Р.Исаев кўчасидан алоҳида бино ажратилиб, таъмирдан чиқарилди. Мурожаат этувчилар учун ётоқхона, овқатланиш, гигиена хоналари қурилди.

Бугунги кунда чекка туман ва қишлоқлардан ёлланиб ишлаш учун шаҳарга келаётган фуқаролар оз эмас. Биз ташкил этган марказнинг асосий мақсади — ана шундай кишиларга кўмак бериб, уларнинг кундалик ижтимоий-маиший турмушидан хабардор бўлиб туриш, турли хил кўнгилсизликларнинг олдини олишдир.

Марказга ўтган йил декабр ойидагина 110 нафар киши мурожаат қилган бўлса, уларнинг барчаси вақтинчалик иш билан таъминланди. Эътиборли жойи шундаки, мутахассислиги бўлган ёлланма ишчиларга доимий бўш иш ўринлари ҳам таклиф этилмоқда. Ҳозиргача икки нафар мутахассис ходим кўмагимиз билан доимий иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирги кунда 50 ўринли ётоқхона, 300 ўринли кутиш айвони мижозлар хизматида. Иссиқ таомлар икки баравар арзон. Марказни ишга туширишга 28 миллион сўм сарфланди. Эндиликда унинг ишини янада жонлантириб, ишчи билан иш берувчи ўртасидаги муносабатни бундан ҳам яхшилашга ҳаракат қиламиз.

**Баҳром МЕЛИЕВ,**
**Жиззах шаҳар меҳнат бўлими бошлиғи.**



Жиззахда ишбилармон кишилар кўп. Шулардан бири Суннат Эргашевдир. У хориж технологияси асосида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган кичик корхона барпо этди. Бугун у етакчилик қилаётган «Эл-Эрк-Нур» корхонасида қарийб юз киши меҳнат қилмоқда. Хом ашё масаласида муаммо йўқ. Ишловчиларга етарли шарт-шароит яратилганлиги, моддий манфаатдорлик таъминланаётганлиги сабабли кўрсаткичлар ой сайин яхшиланиб бормоқда.

**Суратда: тажрибали уста Муртазо Аҳмедов ва лаборатория ходими Надежда Гурянова маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.**

**Ш.АКРОМОВ олган сурат.**

*Касаба уюшмалари ташаббуси билан*

## ИСТЕЪМОЛЧИ

### МАНФААТИ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА

***Биз аввало, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Мавжуд 41 та корхона ва ташкилотда жамоа шартномалари имзоланган бўлиб, уларга киритилган барча имтиёзлар учун ўтган йили 20 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Амалдаги йилда эса бу рақам 23 миллион сўмга етказилади.***

Касаба уюшма аъзолари ишлаётган ҳиссадорлик жамиятлари, корхона ва фирмаларда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари ҳақида», «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларининг бажарилиши қатъий назоратга олинган.

«Хоразмсавдо» компанияси харидорларга хизмат кўрсатишни ҳозирги замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича кўпгина ишларни амалга оширяпти. Ўтган йили тармоқда чакана товар айланмаси 967 миллион сўмни ташкил этди. Бу йил чакана мол айланмасини 1,2 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган. Компания тасарруфидаги 54 та савдо тармоғида хизмат кўрсатиш ва ижтимоий аҳамиятга эга товарларни етказиб бериш анча яхшиланди.

Россия Федерациясининг Тюмен шаҳрида «Урганч савдо уйи» очилиб, 200 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатилди ва керакли озиқ-овқат ҳамда саноат моллари олиб келинди. Хоразмлик матлуботчилар олис Сибирнинг Ишим шаҳрида ўтказилган Никольск ярмаркасида иштирок этдилар.

Тармоқ касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан Урганч шаҳри Амир Темур кўчасида умумий майдони 800 квадрат метрли «Оталар чойхонаси» қуришга киришилди. У «Наврўз» умумхалқ байрами куни ишга туширилади.

Меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш касаба уюшмасининг асосий ишига айланган. Компания кар-соқовлар ва кўзи ожизлар жамиятларига 550 минг сўмлик, меҳрибонлик уйларига 100 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

«Матлуботсавдо» ҳудудий акционерлик жамияти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига 26 миллион сўм ажратиб, ўзининг саховатпешалигини намойиш қилди.

Озиқ-овқат савдо-жамоа корхонасининг хайрия ёрдами 1,3 миллион сўмга тўғри келди. Ташкилотда ходимларни рағбатлантириш учун 5 миллион сўм ажратилганлиги эътиборга лойиқдир.

Қўмитанинг пленумлари ва раёсат йиғилишларида ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлиғини сақлаш, қулай иш ва дам олиш шароитлари яратиш, меҳнат ва техника хавфсизлиги, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, спортни ривожлантиришга қаратилган 40 га яқин масала муҳокама қилиниб, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. 15 нафар ходим имтиёзли йўлланмалар билан санаторийларга юборилган бўлса, ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга касаба уюшмалари томонидан 7,3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари бозор иқтисодиёти шароитида ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоялаш, жамоа шартномалари ва келишувларида кўрсатилган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун ташкилий ишларни кучайтирмоқдалар.

**Мақсуд ФАТХУЛЛАЕВ,**
**Хоразм вилояти савдо, умумий овқатланиш, матлубот жамияти ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## «ЯНГИ ҲАЁТ» ОДАМЛАРИ

Умрингдан бир кун қолган бўлса ҳам кўчат эк, дейди донолар. Бу бежиз эмас. Кўчат нафақат юрт чиройи, балки табиат мусаффолиги ҳамдир.

Воҳада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш тадбирига якдиллик билан қўшилган Касби туманидаги «Пахтакор» ширкат хўжалигининг бир гуруҳ отахонлари кўчат экишда ташаббускор бўлмоқдалар. Касаба уюшма қўмитаси раиси Рўзибой Бобилов бу ҳақда шундай дейди:

*Ибрат*

— Хўжалигимизда 10 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, улар «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғинига бирлашган. «Тошқудуқ», «Наврўз», Усмон Юсупов маҳаллаларида истиқомат қилаётган Шониёз Ботиров, Ҳайдар Нафасов, Абдушукур Шоназаров, Расул Раҳимбердиев, Тошмурод Рўзимуродов сингари отахонлар бу ҳашарда бошқаларга намуна бўлишмоқда. Бугунгача 7 минг тупдан зиёд турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

Бундан уч йил муқаддам 10 гектар ерга мевали дарахтлар ўтқазилган эди. Бугун ушбу мўъжаз жаннатмаконни ижарачи Илҳом Жумаев меҳр билан парваришламоқда.

Фазли қишлоғи қабристони ҳам ободонлаштирилаётир. Хайрли ишга бош бўлган отахонларнинг ибратли ташаббуси туман, қолаверса вилоят бўйича кенг қулоч ёймоқда.

**С.ШАВКАТОВ.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ТАЯНЧИ

Экология

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги фармойишига асосан мамлакатимизда ҳар йили уч марта «Экология ва саломатлик» кунлари ўтказилади. Атмосфера ҳавосини мўътадил сақлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда бу тадбир муҳим аҳамият касб этаётир.***

## ҲАЁТ ЖИЛВАСИ

Қашқадарё вилоятининг Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари, туманлар ва маҳаллаларда бўлсангиз, билакларига махсус белги тақиб олган талаба ва ўқувчиларни учратасиз. Улар жойларда ташкил этилган экологик гуруҳларнинг аъзоларидир.

— Аҳоли истиқомат жойлари, қишлоқ ва маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳудудларида санитария-гигиена қоидаларига амал қилишни тартибга солишда кўнгилли ёшларнинг хизмати каттадир, — дейди вилоят санитария-эпидемиология назорати марказининг бош ҳакими Азиз Ҳасанов. — Воҳада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга катта аҳамият берилаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда.

Фан ва техника давлат қўмитасининг «Мониторинг ва жанубий Ўзбекистон ер, сув ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш бўйича техник ечимларини ишлаб чиқиш» мавзусида 2000-2002 йилларга мўлжалланган давлат гранти асосида илмий-тадқиқот олиб бораяпмиз. Вилоят коллектор-дренаж тизимлари бошқармаси билан ҳамкорликда илмий изланишлар давом этмоқда.

Биосфера фанлари халқаро академияси, Москва Давлат табиий ресурслардан фойдаланиш университети, Бутунроссия гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институти, Украина педагогика-инженерлар ҳамда Қирғизистон аграр академиялари, Ўзбекистон Миллий университети, Республика Фанлар академиясига қарашли сув муаммолари институтлари билан ҳамкорликда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича талай ишлар амалга оширилялти.

Мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари, мактабгача тарбия муассасаларида ўтказилаётган кўрик-танловлар, турли мусобақалар, қизиқарли мулоқотлар яхши натижа бераяпти. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофазалаш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашда «Экосан» халқаро жамғармаси вилоят бўлими ҳузурида фаолият кўрсатаётган «Аёл ва экология» уюшмасининг ишлари ибратли. Олимлар, шифокорлар, халқ таълими, санитария-эпидемиология хизмати ходимлари оила ва маҳаллаларда бўлиб, аёллар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришаяпти.

Март ойининг охирида мактаблар ва ўрта махсус ўқув юртларида «Томчи сувда ҳаёт жилваси» мавзусида кўрик-танлов ўтказилиб, ғолиблар аниқланади.

Халқимиз азалдан боғроғлар яратиб, юртни обод қилиб келган. Тоза тупроқ, зилол сув, ям-яшил дарахтзорлар мамлакатимиз бойлигидир. Вилоятда 55888 гектар ўрмонзорлар мавжуд. Шундан 3312 гектари ўрмон хўжалиги ходимлари томонидан яратилди.

Маълумки, экологик муҳофаза — ижтимоий ҳимоянинг ажралмас қисмидир. Шу боис, ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, «Экология ва саломатлик кунлари» ўтказиш одатга айланди. Шунингдек, «Қизил китоб»га кирган ўсимликларнинг 10 дан ортиқ турини асраб-авайлаш, сақлаб қолиш ва кўпайтириш чоралари кўриляпти.

Шу мақсадларда ўтказилаётган ҳашарларда минглаб кишилар қатнашмоқдалар. Улар иштирокида 1 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Қишлоқ ва маҳаллалар, шаҳар, туман марказлари, кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Биргина «Шўртан» газ-кимё мажмуи атрофида 3000 гектардан ортиқ ўрмонзор барпо этилди.

Экологик шанбаликлардан тушган маблағлар ҳисобидан камқонликка қарши ишлатиладиган 800 минг сўмлик «Микрэл» дармон дориси, 600 минг сўмлик «Полисапт» дезинфекцияловчи воситалар олинди. Қарши, Косон, Касби, Чироқчи туман марказий касалхоналари, вилоят оналар ва болалар шифохонаси ва бошқа тиббиёт муассасаларига жамғарма ҳисобидан дори-дармонлар тарқатилди.

Вилоятда «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Наврўз» жамғармалари, касаба уюшмалари Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан аҳолининг экологик фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда.

**Ш.МУРОДОВ,**
**Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти атроф-муҳит ҳимояси ва экология кафедраси мудири.**

Гадоймурод Шодиев номини Дўстлик туманида алоҳида ҳурмат билан тилга олишади. У биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этди. Ўғилларини ёнига олиб, фидойилик кўрсатиб ишлади. Омилкорлик, касбкорга садоқат туфайли гектаридан 65 центнердан ғалла, 50 центнердан пахта ҳосили олишга эришиб, барчага намуна бўлди. Илғор фермер хўжалиги тасарруфида 4 та трактор ҳамда юк машинаси бор. Эътиборлиси шуки, ўтган йили омилкорлар мўмай даромад олдилар. Шунинг ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириб, қўшимча бинолар қуришмоқда, тўй-томошалар қилишмоқда.



**Суратда: омади юришган фермер Г.Шодиев.**
**Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Ислоҳот инсон учун

***Ўтган йил касаба уюшмамиз ҳаётида ҳам унутилмас из қолдирди. Айниқса, жамоа шартномаларида оналар ва болалар учун имтиёзларга кенг ўрин берилди.***

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИДАГИ ИМТИЁЗЛАР

Шу асосда ёзги мавсум давомида тармоқ меҳнаткашларининг 700 нафар фарзанди соғломлаштириш оромгоҳларида мириқиб ҳордиқ чиқарди. Улардан 100 нафари ночор оилаларнинг фарзандлари бўлиб, йўлланмалар пули ҳомий ташкилотлар ҳисобидан тўланди. Шунингдек, қўшни Конимех туманидан 50 нафар ўқувчи-ёш ҳамда Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»нинг 45 нафар тарбияланувчиси туманимиздаги «Дўстлик» оромгоҳи меҳмони бўлишди. Камқонли аёллар бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга касаба уюшмалари томонидан тегишли моддий ёрдам кўрсатилди.

«Бўстон» санаторийсида 50 нафар меҳнаткаш соғломлаштирилди. 40 нафари эса турли сиҳатгоҳларда имтиёзли йўлланмалар билан даволанди.

Касаба уюшмалари томонидан турли саналарга бағишланган спорт мусобақалари ўтказиш анъанатусига кирди. Ўтган йили Қашқадарёда ўтказилган «Тўмарис» ва «Барчиной» республика биринчилигида туманимиздаги Зармитон хотин-қизлари ғолиб деб топилдилар ва улар туман ҳокимлиги ҳамда касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар. Тумандаги барча хўжаликларда ижодкорлик клублари, маданият ва истироҳат боғлари бўлиб, уларга ёшларни жалб этиш, турли учрашувлар, кечалар, спорт ўйинлари ўтказишга касаба уюшмалари бош-қош бўлмоқдалар. Жумладан, «Бухоро» ширкат хўжалиги спорт тўгарагида кураш, Навоий номли ширкат хўжалигида футбол, Қосим Қобилов номли ширкат хўжалигида шахмат-шашка тўгараклари намунали ишлаб турибди.

Шу кеча-кундузда қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар чуқурлашаётган бир вақтда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, ерларни адолатли тақсимлаш масалалари диққат марказида бўлмоқда. Бу жорий йилда тузилаётган жамоа шартномаларида ўз аксини топаётир. Худди шунингдек, қарияларга қулайлик ва имтиёзлар яратиш ҳам ана шу шартномаларда ифодаланади.

Хўжалик ҳудудидаги ҳар бир қарияни тиббий кўрикдан бепул ўтказиш, йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, мева, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришда соғлигини йўқотган қарияларга, меҳнат фахрийларига бепул йўлланмалар бериш, нафақага чиқиб ишлаётган, ёшларни тарбиялашда ўз ҳиссасини қўшаётган фаол қариялар билан учрашувлар ўтказиб бориш ва бошқалар шулар жумласидандир.

**Даврон ВОҲИДОВ,**
**Қизилтепа туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## БАХТИЁР ОНЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ҳукуматимиз ўтказаётган инсонпарварлик сиёсатининг мантиқий давомидир. Унда бировлар кўмаги ва ҳимоясига муҳтож табақаларга ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилашга йўналтирилган олижаноб мақсад ҳамда истиқболли режалар илгари сурилган.

Саховатпешалик халқимизга хос азалий одат. Бу борада туман фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Айни кунда жамоа қошида 24 та жамоатчилик маркази фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 500 нафарга яқин уруш ва меҳнат фахрийси, 50 нафарга яқин эҳтиёжманд қария, 190 та урушда боқувчисини йўқотган оила ва 5000 нафардан ортиқ турли тоифадаги пенсионерлар ижтимоий ҳимояга олинган. Жамғарма қошида меҳнатга лаёқатли фахрийларимизнинг тадбиркорлик уюшмалари тузилган. Уларда ўнлаб нуронийлар тадбиркорлик билан шуғулланмоқдалар.

Ҳа, нуронийлар ўз халқининг кўрки ва фахр-ифтихоридир. Уларнинг дуолари билан хонадонлар обод, фаровон. Менинг оилам ҳам Ўзбекистондаги кўплаб пири бадавлат хонадонлардан бири. Қарийб 50 йил ўқитувчилик қилиб, фарзандларимни ҳалол ризқ билан боқиб камолга етказдим. Турмуш ўртоғим Равзабегим билан бугун уларнинг камолини кўриб қувонамиз. Айниқса, ўғилларимнинг эзгу ишларини кўриб, меҳнатимиз зое кетмаганидан бошимиз осмонга етади, 60 нафардан ортиқ невара-чевараларимнинг бахтиёр толеини кўриб, юртимиз келажаги буюк бўлишига иймон келтирамиз.

**Фатхиддин НОСИРОВ,**
**Шофиркон тумани.**

## ХОТИРЖАМЛИК ҚУТ-БАРАКА КЕЛТИРАДИ

102 ёшнинг остонасида турибман. Етти нафар фарзандим, 36 неварам, 10 чеварам, 7 эварам бор. Аллоҳга шукрки, менга тани сиҳатлик, хотиржамлик неъматини берди. Бу икки неъматдан улуғроқ яна нима бор ҳаётда. Алҳамдулиллоҳ, юртимиз тинч, шу боис хотиржаммиз. Хотиржамликда эса гап кўп. Бундай кишининг тани соғ, тани соғнинг эса рўзғори бут, баракали бўлади.

Одамлар шукрона айтган юртга Яратган раҳматини ёғдираркан. Бугун юртимиздаги нуронийлар элнинг омонлиги, юртнинг осойишталиги ва яна ўзларига кўрсатилаётган эъзозу эътибор учун шукрона айтмоқдалар. Мен ҳам нуроний она сифатида қўлимни дуога очаман: Илоҳо, бошимиз узра ҳамиша озодлик қуёши порлаб турсин.

**Чўлпоной МАТНАЗАРОВА,**
**Фарғона шаҳри.**

## ЖАМҒАРМАНИНГ ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАРИ

***Наманган вилояти спортни ривожлантириш ва спортчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг таъсис анжумани бўлиб ўтди.***

Мазкур жамғарма вилоятдаги қатор йирик саноат корхоналари ва тадбиркорларнинг ташаббуси билан ташкил этилди. Вилоят ҳокими биринчилардан бўлиб уни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлади ва бунинг учун 10 миллион сўм маблағ ажратди.

Энг нуфузли мусобақаларда мамлакат шаънини ҳимоя қила оладиган юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш, оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш жамғарманинг бирламчи вазифаларидир.

**(ЎзА).**

## «ЗАНГОРИ ОЛОВ», ИЧИМЛИК СУВИ

### ҳар бир қишлоқ хонадонига кириб борсин

***Республикамиз ҳукумати, шу жумладан, шахсан Президентимиз қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ҳамда газ билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жойларда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили қишлоқ жойларига 1700 километрдан зиёд ичимлик суви ҳамда 3000 километрдан кўпроқ газ қувурлари ётқизилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Мазкур йилда 583 аҳоли яшаш жойи ичимлик суви, 539 қишлоқ эса табиий газ билан таъминланди. Бу борадаги дастурни бажариш учун 15,5 миллиард сўм сарфланди.***

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Амударёнинг қуйи оқимида яшовчи аҳолини обиҳаёт билан таъминлаш ҳам асосий диққат эътиборимизда. Ўтган йили бу ерда 2330 та қўл насоси ўрнатилиб, 35 та янги қудуқ қазилди. Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудларидаги аҳоли яшаш жойларида 350 километрдан зиёд жойга ичимлик суви қувурлари ётқизилди. Афсуски, республикамиз қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш суръати юқори бўлишига қарамай, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган ҳамда Сурхондарё вилоятларида бу муҳим тадбир сусткашлик билан олиб борилмоқда. Ичимлик суви билан таъминлаш эса Қорақалпоғистон Республикаси,Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятларида ҳам кўнгилдагидек эмас. Шу боис маҳаллий бюджет маблағларини мазкур муҳим тадбирга кўпроқ жалб этилса, айни муддао бўларди.

Газ тармоқларини улаш ҳамда уларни ишга туширишда Андижон вилоятининг Олтинкўл, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Чироқчи, Деҳқонобод, Косон, Баҳористон, Муборак, Навоий вилоятининг Томди, Наманган вилоятининг Чортоқ, Самарқанд вилоятининг Қўшработ, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Шеробод, Шўрчи туманларида бор имкониятлардан фойдаланишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Мазкур вилоят ҳамда туман раҳбарлари жорий йилда бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада кўчайтиришлари лозим.

Кези келганда шуни айтиб ўтмоқчиманки, қишлоқларимиз аҳли ниҳоятда меҳнаткаш ва фидойи кишилардир. Биз уларга ижтимоий соҳада қанчалик қулайлик яратиб берсак, иш унуми шунчалар юксак бўлади. Шу боисдан ҳар бир қишлоқ хонадонига «зангори олов» ҳамда ичимлик суви етиб боришига эришишимиз зарур. Бу — давр талабидир.

**А.МИРОНЕНКОВ,**
**республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг бўлим бошлиғи.**

***Дўстлик туман ҳокимлигида ўтган йили тадбиркорлик фаолиятига оид 226 та қонун бузилиш ҳолларига йўл қўйилганлигига ҳамма ҳам ишонмаслиги мумкин. Афсуски, шундай. Улар юзасидан вилоят адлия бошқармаси ўз ваколати доирасида туман ҳокими номига тақдимнома киритди.***

## ҲОКИМ ҚОНУННИ БУЗСА

### ёхуд Дўстлик туманида тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқи чекланаётгани хусусида

Туман ҳокимлиги томонидан тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашиш ҳоллари учраб турибди. Ваҳоланки, бу Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 21,34-моддаларига зиддир. Табиийки, бу ишбилармонлар фаолияти ривожланишига тўсиқ бўлаётир. Ҳатто маблағлар уларнинг розилигисиз, турли хил тадбирларни ўтказишга сарфланмоқда. Тадбиркорларни ҳомий қилиб тайинлаш сингари қонун бузилишларига йўл қўйилаётир.

Масалан, туман ҳокими ўзининг 2001 йил 3 февралдаги 30-сонли қарори билан аҳоли осойишталигини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект раҳбарларига «Тонгги гуруҳ аъзоларига» техникага ёнилғи ажратишда «амалий ёрдам кўрсатиш»ни белгилаб берган бўлса, яна бир қарори билан вилоятда зарур мажмуа қурилиши муносабати билан туманда шанбалик ўтказиб, ундан тушган бир кунлик иш ҳақини ушбу мажмуа қурилиши ҳисобига ўтказишни барча корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари зиммасига юклашни тавсия этади.

Равшанки, фермер хўжаликлари, саховатпеша кишилар турли тадбирларга муайян маблағни ўз хоҳишлари, қалб амри билан ўтказишлари лозим. Аммо мазкур туманда бу иш баъзида ҳокимлик буйруғи билан амалга ошириб келинган.

«Бир ўқ билан икки қуённи урибди» деганларидек, туман ҳокими ўзининг 3 сентябрдаги 175-қарори билан 29 та янги фермер хўжалигини ташкил этибгина қолмай, унинг 5-бандида А.Саркисов номли хўжаликдаги «Адҳон», «Элёр» фермер хўжаликлари ер майдонларининг қайта ижарага ажратиб берилиши ҳам кўрсатилади. Ана шундай хато ва камчиликлар туман ҳокимининг 29 июлдаги 161, 12 декабрдаги 226- қарорларида ҳам учрайди.

«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари эллик йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўрсатилган бўлса-да, туман ҳокимлиги томонидан бу қонун талабига зид равишда қарорлар қабул қилиниб, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилаётир.

Фуқароларнинг ер ажратиш ва фермер хўжаликлари Низомини рўйхатга олиш хусусидаги аризаларини ҳал қилишда ҳам қонун бузилишлари содир этиляпти. Масалан, фуқаро С.Нажмиддиновнинг хусусий фирма Низомини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризасига имзо чекилмай, дафтарга кирим қилинмай, ижро қилиш учун бирорбир масъул шахсга берилмасдан 8 июл куни туман ҳокимининг 153-сонли қарори чиқарилди. А.Бобоёровнинг хусусий дўкон қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги аризаси ижроси учун ҳокимликка 50 кун вақт керак бўлган бўлса, М.Қурдашеванинг аризаси бўлмаса-да, хусусий савдо дўкони қуриши учун унга қарор чиқариб берилган.

Тадбиркорларнинг аризалари қонуний муддатларда кўриб чиқилмаётгани фақат шулардан иборат эмас. Жумладан, Ю.Нурмуҳамедовнинг аризасини кўриб чиқишга 69 кун, С.Саидбекова, А.Раҳмоновларнинг аризаларини қаноатлантиришга 53-40 кундан вақт сарфлангани ажабланарлидир. Бунинг акси ўлароқ Д.Нуриева, А.Исаев, Ш. Раҳмонов каби фуқароларнинг аризалари қайд этилмаса-да, улар юзасидан қарорлар чиқарилган.

Туман ҳокимлигига келган жами 94 та давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза тегишли тартибда махсус китобда қайд қилинмаган.

Аксарият ҳолларда кичик, ўрта ва хусусий бизнес субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига зид равишда ҳисоб рақамларини айнан қайси банкда очиш белгилаб берилган. Бу билан тадбиркорларнинг унга хизмат кўрсатувчи банкни танлаш ҳуқуқи чеклаб қўйилган.

Давлат рўйхатидан ўтган хусусий ва кичик корхоналар реестрини юритиш, амалдаги қонунчиликка зид равишда нодавлат ташкилот — туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси зиммасига, давлат рўйхатидан ўтган фермер хўжаликларининг давлат реестрини юритиш эса хусусийлаштириш бўлимига юклатилган.

Дўстлик туман ҳокимлигида тадбиркорлар билан ишлашдаги ана шу сингари камчилик ва нуқсонлар, айниқса, қонунларга зид хатти-ҳаракатлар кўпчиликни ажаблантирмоқда, тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир.

**Абдурашид АБДУРАИМОВ,**
**Жиззах вилоят Адлия бошқармасининг бўлим бошлиғи.**

